

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АРИПОВА НАРГИЗА НУСРАТОВНА

ВИТАМИН D ТАЊҚИСЛИГИДА СУРУЊҚАЛИ ПАНКРЕАТИТНИЊ
ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ ВА УНИ ДАВОСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Арипова Наргиза Нусратовна

Витамин D танқислигида сурункали панкреатитнинг

ўзига хос кечиши ва уни давосини такомиллаштириш..... 5

Арипова Наргиза Нусратовна

Особенности течения хронического панкреатита в условиях

дефицита витамина D и оптимизация терапии..... 23

Aripova Nargiza Nusratovna

Features of the course and optimization of treatment of chronic

pancreatitis in vitamin D deficiency..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АРИПОВА НАРГИЗА НУСРАТОВНА

ВИТАМИН D ТАЊҚИСЛИГИДА СУРУЊҚАЛИ ПАНКРЕАТИТНИЊ
ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ ВА УНИ ДАВОСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1650 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамраев Абдор Асрарович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Мирвосит Мирвасикович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Захидова Машкура Зияматовна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сурункали панкреатит (СП) кенг тарқалган касаллик бўлиб, умумий касалланишни 0,2–0,6% ташкил этади ва ошқозон ичак йўллари касалликлари орасида 5,1–9% беморларда учрайди. СП касаллиги ривожланган мамлакатларда 100 минг аҳолига 5-6 ҳолатда кузатилса, дунё бўйича олганда эса бу кўрсаткич 1,6–23 кишига тўғри келади. Ҳозирги вақтда аҳоли орасида СП кескин ортиши нотўғри овқатланиш, сурункали стресс, ташқи муҳитни ифлосланиши, дори воситаларини тартибсиз қабул қилиш, инфекция ва бошқа омиллар билан боғлиқ. Узок муддатли кечувчи СП нинг классик асоратларидан бўлиб меъда ости безининг ташқи секретор функциясини етишмовчилиги, комплектацияси-малдигестия ва мальабсорбция синдромларининг ривожланиши ҳисобланади.

Жаҳонда витамин D танқислиги, унинг турли касалликларда ўрни ва асоратларини олдини олиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга СП касаллигида витамин D етишмаслиги билан бевосита боғлиқ бўлган патологик ҳолатнинг ривожланишида айнан витамин D танқислигининг мавжудлиги алоҳида илмий ва амалий аҳамиятга эга. Хусусан сурункали панкреатитда витамин D етишмовчилигининг ўзига хос кечишлари, яъни касалликни клиник кечиши оғирлиги, беморларда асоратлар кўп учраши, остеопения ва остеопороз учраш даражасини ортишига олиб келиши ва уларни коррекция қилиш усулларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳоли орасида турли хавфли касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Сурункали касалликларни эрта ташхислаш ва диспансер назоратига олиш жорий қилинмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни профилактика қилиш»¹ каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда сурункали панкреатит билан касалланган беморларда ташқи секретор етишмовчиликни олдини олиш, оилавий шифокорлар ва тор мутахассислар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш ҳамда хавф омилларини бартараф этиш ва эрта ташхислашни янада такомиллаштириш, аҳоли орасида сурункали панкреатитни асорати оқибатида юзага келувчи ногиронликни олдини олиш имконини беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамиди аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик олимлар томонидан ўткир ва сурункали панкреатитнинг эпидемиологияси, клиникаси, патогенези, даволаш ва профилактика чора тадбирлари, шунингдек витамин D аҳамияти, соматик касалликлар келиб чиқишидаги ўрни, унинг етишмовчилигини таснифи, аниқлаш усуллари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу соҳадаги тадқиқотлар хорижлик олимлар: (Kiran Dahiya; Sanghapriya Pal; Rakesh Dhankhar) витамин Dнинг физиологик ва патофизиологик хусусиятлари; (Zhiyong Han, Samantha L Margulies, Divya Kurian and Mark S Elliott, Doris Hummel, Abhishek Aggarwal, Katalin Borka, Erika Bajna, Enikő Kállay, Henrik Csaba Horváth, Zhiyong Han, Samantha L. Margulies, Divya Kurian, Mark S. Elliott) витамин Dни сурункали панкреатит ривожланишидаги аҳамияти изчил ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида (Н.М. Балабина 2017) сурункали панкреатит: амбулатор шароитда ташҳислаш, даволаш ва профилактика; (В.Т. Ивашкин, Маев И.В., Шифрин О.С., Шептулин А.А., Сайфутдинов Р.Г., Охлобыстин А.В., Кучерявий Ю.А.2013.) сурункали панкреатитни ташҳислаш ва даволаш бўйича клиник тавсияномалар (AGG-2020) ишлаб чиқилган. (Л.Ю. Ильченко, Г.И. Сторожаков) сурункали панкреатит таснифи тавсия этилган; Дедов И.И., Мельниченко Г.А. раҳбарлигида катталарда витамин D етишмовчилиги: ташҳислаш, даволаш ва профилактикаси бўйича клиник тавсияномалар яратилган; Авдеева В.А. эса катталарда витамин D етишмовчилиги ва танқислигини аниқлашнинг оптимал диагностик усуллари ва даволаш тактикаси бўйича тавсиялар ишлаб чиққан; (Л.В. Егшатын, Е.Н. Дудинская, О.Н. Ткачева, Д.А. Каштанова 2014) сурункали ноинфекцион касалликлар патогенезида витамин Dнинг аҳамияти; Н.К. Слохова томонидан ошқозон ичак йўллари касалликларида витамин D синтези ва суякларнинг минерал зичлиги; (Т.В. Бидеева, Д.Н. Андреев, Ю.А. Кучерявий, И.В. Маев 2021) сурункали панкреатитда беморларнинг қон зардобиди витамин D миқдори бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Бизнинг мамлакатимизда Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида Ф.И. Ҳамрабаева (2017) раҳбарлигида

Ўзбекистонда ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатит билан касалланиш сонининг ошиши ҳамда аёлларда эркакларга нисбатан кўпроқ кузатилиши қайд этилган. А.А. Хамраев (2019) раҳбарлигида ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатитларнинг фенотипик кечиш хусусиятлари бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Шундай қилиб, мамлакатимизда СП экзокрин етишмовчилик ҳолатининг нисбатан кўп учраши ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир қилиши, ошқозон ичак йўлларида витамин Д сўрилишини бузилиши ва унинг танқислигини келиб чиқиши ҳамда, узоқ муддатли ферментотерапияни витамин Д нинг танқислигини коррекция қилиш хусусиятларини ўрганиш бўйича кам сонли тадқиқотлар амалга оширилган. Шу сабабдан ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1500214-сон «Ички касалликлар ташхисоти, профилактикаси ва даволашни такомиллаштиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш» (2021-2023 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: сурункали панкреатит касаллигини витамин Д танқислигида кечишининг ўзига хос хусусиятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

витамин Д танқислигини Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида учрашини ўрганиш;

СП ли беморларнинг қон зардобида витамин 25 (ОН) D миқдорини аниқлаш ва уни касалликнинг кечиши билан боғлиқлигини баҳолаш;

СП ли беморларнинг қон зардобидаги витамин 25 (ОН) D миқдорига кўра ошқозон ости безининг визуализация усуллари кўрсаткичлари орқали қиёсий таҳлил ўтказиш;

витамин Д танқислиги даражасига кўра беморларда суяклар зичлиги кўрсаткичини, кальций миқдорини ва ҳазм қилишнинг копрологик кўрсаткичларини ўрганиш;

меъда ости безининг экзокрин етишмовчилиги мавжуд бўлган беморларда витамин Д танқислиги кузатилганда базис терапияга унинг мицелла шаклини қўллашни самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг гастроэнтерология бўлимида даволанаётган, витамин Д етишмовчилиги мавжуд бўлган сурункали панкреатит билан касалланган 94 та бемор ва 20 нафар нисбий соғлом инсонлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида СП билан касалланган беморларнинг касаллик анамнези ва клиникасини маълумотларини ўрганиш, меъда ости бези УТТ ва бошқа визуализация текширувлари, вена қони ва зардоби (биокимёвий текширувлар учун), копрологик текширувлар учун беморлар нажаси тахлили натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини бажариш давомида белгиланган вазифаларга мос ҳолда замонавий клиник, лаборатор, функционал, биокимёвий, копрологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали панкреатит билан касалланган беморларнинг асосий қисмида витамин 25-ОН-D танқислиги, қон зардобида кальций миқдорини камайиши, ультратовуш денситометрия усули билан суяклар текширилганда остеопения ва остеопороз аниқланган;

сурункали панкреатит билан касалланган беморларда ультратовуш текшируви кўрсаткичларидан паренхима эхогенлигини диффуз ошиши, эхосигналлар амплитудаси ва давомийлигини ўта ўзгарувчанлиги, меъда ости беши тўқимаси фиброзланиши ҳамда кальцификацияланиши, “тошлоқ кўприк” манзараси учраш сони ортиши билан витамин 25-ОН-D танқислиги оғирлик даражаси ўртасида боғлиқлик аниқланган;

витамин Д танқислиги бўлган СП билан оғриган танқислик ва ўта танқислик гуруҳлардаги беморларда фекал эластаза кўрсаткичининг пастлиги витамин Д етишмовчилиги ривожланиш хавфини башорат қилувчи омил сифатида асосланган;

сурункали панкреатит билан касалланган беморларда ўринбосар ферментотерапия ўтказилганда витамин Д миқдори 6%га, мицелляр шаклдаги витамин Д қабул қилинганда 18%га кўтарилиши ва копрологик текширувлар натижасида ижобий самарадорлик аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали панкреатитда витамин Д сўрилиш жараёнларини бузилиши ҳисобга олган ҳолда унинг етишмовчилиги даражасини аниқлаш мақсадида қон зардобида витамин 25-ОН-D миқдори аниқлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

сурункали панкреатит ўтказган беморларда реактив гепатит, холецистит, хоцистэктомиядан (ХЭК) кейинги ҳолатлар ёндош касаллик сифатида учраганда витамин Д етишмовчилиги даражаси юқори бўлиб, меъда ости бешида фиброзланиш ва кальцификация, фекал эластаза миқдорини нажасда пасайишига, остеопения ва остеопороз учраш даражасини ортишига олиб келиши монанд ўринбосар ферментотерапия билан биргаликда бу витаминни профилактика ва даволаш мақсадида қўллаш асосланди;

витамин Д етишмовчилиги мавжуд СП ўтказган беморларга монанд ферментотерапия ўтказиш тавсия этилади, у витамин 25-ОН-D миқдорини қонда оширади, танқислик учрашини камайтиради, стеаторея, амилорея ва креаторея, макро- ва микронутриентларни сўрилишини меъёрлашиши ҳисобига клиник ҳолатни яхшиланишига олиб келиши аниқланган;

витамин Д миқдори монанд ўринбосар ферментотерапияси жараёнида ҳамма беморларда ижобий натижа бермаганлиги сабабли даво режасига мицелла шаклдаги витамин Д препаратини қондаги кальций миқдорини назорат қилган ҳолда буюриш тавсия қилинган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот предметига мос бўлган усулларни қўлланилиши ва методологик ҳолатни аниқ белгиланганлиги, қиёсий гуруҳлар миқдори, параметрик тақсимот маълумотларига боғлиқ холда ва мос бўлган тип бўйича статистик таҳлил мезонлари ҳамда усулларидан фойдаланиш, танлаб олишнинг етарли ўлчами билан боғлиқ бўлган тадқиқотларнинг статистик кучи, олинган натижаларни баҳолаш ва хулосаларни бир бирини рад этмаслиги, маълумотларнинг репрезентативлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти СПда витамин 25-ОН-D миқдорини пасайиши, етишмовчилик ва танқислик даражаларини ортиши беморларда ёндош хавф омиллари билан боғлиқлиги, касалликни кечиши, меъда ости беши фиброзланиш ҳамда кальцификация даражаси, унинг ташқи секретор функциясини пасайиши ҳисобига макро- ва микронутриентларни ҳазм бўлиши ва сўрилишини бузилиши, бу эса узок муддатли ферментотерапия ўтказилиш ҳаёт сифати кўрсаткичини яхшиланиши ҳамда даволаш ва олдини олишга самарали ёндашувлар ишлаб чиқиш билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти СП ўтказган беморларда витамин 25-ОН-D танқислиги, ультратовуш денситометрия усули билан суяклар текширилганда остеопения ва остеопороз баҳолаш имкониятини бериши, беморларда фекаль эластаза кўрсаткичининг пастлиги витамин Д етишмовчилиги ривожланиш хавфини башорат қилувчи омил сифатида асосланиши, ўринбосар ферментотерапия ўтказилганда витамин Д миқдори ошиши ва мицелляр шаклдаги витамин Д тавсия қилиниши беморларда касаллик асоратларини олдини олиши ва даволаш алгоритмлари ишлаб чиқиш, даволаниш муддатини қисқартириш ва терапевтик тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. СП билан касалланганларда витамин 25-ОН-D миқдори, унга боғлиқ холда касалликни клиник кечиши ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

СПли беморларда остеопороз ривожланишини эрта аниқлаш, касаллик асоратларини олдини олиш ва даволашда янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази бўйича 13.07.2022 йилдаги 42-1-сонли буйруқ ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси шифохонаси бўйича 14.07.2022 йилдаги 66-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

СП билан оғриган беморларда витамин Д танқислиги оқибатида, остеопороз хавф омилларини эрта ташхислаш, касалликни ривожланишини ва асоратларини олдини олиш орқали бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 989 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 1089 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

СП билан касалланган беморларда денситометрия текшируви усулини татбиқ этиш натижасида беморлар суяклардаги остеопороз ривожланиши

барвақт аниқланган, кузатилиши мумкин бўлган асоратлар олди олинган ҳамда бартараф этиш чора - тадбирлари ишлаб чиқилиб, тадқиқотга жалб қилинган бир бемор ҳисобидан 717 000 сўм маблағ иқтисод қилинишига эришилган;

СП билан касалланган беморларда витамин Д танқислигини аниқлаш ва денситометрия текширувида суяк зичлиги ҳолатини аниқлаш касаллик асоратлари ортишини эрта ташхислаш касалликни даволаш чора тадбирларини мувофиқлаштиришга имкон берди. Натижада беморда юқоридаги жараёнларни камайтириш мақсадида базовий дори воситаси билан бирга мицелла шаклдаги витамин Д препаратини қўллаш тавсия этилган ва шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган.

СП билан касалланган беморларда даволаш чора -тадбирларини барвақт бошлаш орқали касаллик фаоллигини камайтириш, суяк тизими синиш жараёнларини ривожланишини олди олиш ҳамда унинг оқибатида кузатиладиган асоратлар бартараф этилиши натижасида бюджетдан ташқари маблағларни 785 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида остеопороз хавф омилларини аниқлаш, суяк тизим асоратларини олдини олиш, даволашни такомиллаштириш ва касалликни даволаш ҳамда текшириш учун сарфланадиган маблағларни тежаб қолиш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Арипова Наргиза Нусратовнанинг “Витамин Д миқдори танқислиги мавжуд сурункали панкреатит касаллиги билан оғриган беморларни олиб бориш алгоритми” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент тиббиёт академиясининг 2023 йил 30 ноябрдаги 09-11048-сонли хати юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жаъми 21 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 9 та илмий мақола, шулардан 6 та Республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблигини, мақсади ва вазифалари асосланган, ўрганиш объекти ва мавзуси тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор

йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сурункали панкреатитда витамин D ўзлаштирилишини бузилиши»** деб номланган биринчи бобда ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётлардаги мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида сурункали панкреатитнинг эпидемиологик ва этиопатогенетик хусусиятлари, турли соматик касалликларда витамин D етишмовчилиги ривожланиш хавфи тўғрисидаги мавжуд замонавий маълумотлар таҳлил қилинган, муаммонинг ўрганилмаган ҳамда ва аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари белгиланган.


Диссертациянинг иккинчи бобда «Тадқиқот манбалари ва қўлланилган усуллари» мақсад ва белгиланган вазифаларга кўра тадқиқотда қўлланилган материал ва усулларнинг умумий тавсифи батафсил ёритиб берилган. Тадқиқотлар 3 босқичда Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасига соғлом ва сурункали панкреатит билан касалланган беморларда уларнинг розилиги асосида олиб борилди.

1чи босқичда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида истиқомат қилувчи 144 аҳолиси (35таси эркак ва 109таси аёллар) ва 20 нафар ҳомиладорликнинг 2чи триместрида витамин D етишмовчилигининг учраши ўрганилган. Уларни ёши бўйича таснифлаш Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тавсияларига кўра олиб борилган; 1-2 ёшли гўдаклар 6 тани, 3-6 мактабгача ёшдаги болалар – 5 та, 7-12 ёшли кичик мактаб ёшдаги болалар – 8та, 13-16 ёшдаги ўсмирлар – 6та, 17-21 ёшдаги навқиронлар – 10та, 22-35 ёшдаги ёшлар – 36та, 36-60 ўрта ёшдагилар – 61та ва 60 дан юқори қариялар – 14тани ташкил қилди. 144 соғлом ва 20 ҳомиладорларнинг қон зардобиди D-25(ОН)D миқдори иммунофермент усулда аниқланди.

2чи босқичда тадқиқотлар 2019-2022 йиллар давомида ТТАнинг кўп тармоқли клиникаси гастроэнтерология бўлимига СП хуружи даврида даволанган 31 ёшдан 70 ёшгача бўлган (33% эркак ва 67% аёл) жами 94 нафар бемор қатнашди (асосий гуруҳ). Назорат гуруҳи сифатида тахминан шу ёшдаги 20 соғлом волонтерлар олинди (назорат гуруҳи). Тадқиқотга барча беморлар ўз хоҳиши билан иштирок этишди. Уларнинг ёшлари ЖССТ таснифи бўйича тақсимланган: навқирон (19-44 ёш) – 12 (12,8%), ўртача (45-59 ёш) – 37 (39,4%), кекса (60-74 ёш) – 37 (39,4%) ва қариялар (75-90 ёш) – 8 (8,5%). Бунда СП асосан аёлларда кўп учраши, ўрта ва кекса ёшдагиларга хослиги аниқланди.

Текширув жараёнига жалб этилган беморлар қуйидаги мезонлар асосида ўрганилди: СП ташхисининг клиник, лаборатор ва асбобий текшириш усулларини қўллаш ёрдамида ташқи секретор етишмовчилиги мавжуд шакли расмийлаштирилди; ошқозон ичак тизимининг (ОИТ) оғир ёндош, хусусан қандли диабет, ўсма касалликлари истисно қилинди; режали текшириш жараёни учун беморларнинг ёзма розилиги олинди. Тадқиқот жараёнида

СПнинг турли хавф омилларини инобатга олган ҳолда M-ANNHEIM кўп омилли таснифи, жумладан В.Т. Ивашкин ва ҳаммуаллифларнинг 1990 йили таклиф этган таснифларига кўра этиологик омиллари бўйича 3 гуруҳга ажратилди: билиар – 73 (77,7%) (1-гуруҳ), идиопатик – 8 (8,5%) (2-гуруҳ) ва аралаш – 13 (13,8%) (3-гуруҳ)



1-расм. Тадқиқот дизайни.

Хавф омилларига спиртли ичимликлар ичиш (38; 40,4%), сигарет (33;35,5%) ва нос(16;17%) чекиш, асабийлашиш (90; 95,7%) ва бошқалар киритилди. Барча беморларда СПни қайталаниши асосан парҳезга риоя қилмаслик ва юқорида қайд этилган хавф омиллари билан боғлиқ бўлган. Шу билан бирга уларда турли ёндош, жумладан юрак қон томир тизими (41,5%), ошқозон ичак тизими (33,0%), жигар ўт йўллари (79,8%), сийдик ажратув тизими (11,7%), қон (29,8%) ва асаб касалликлари (14,9%) ҳамда семизлик (69,2%) аниқланди. Шунини айтиш жоизки, юрак қон, ошқозон ичак, жигар ўт йўллари, сийдик ажратув тизими касалликлари бир беморда бир неча хили учраши аниқланди, бу эса беморларда коморбид ҳолатларда ривожланганлигини кўрсатади. Текширувга жалб этилган СП аниқланган беморларда касаллик давомийлиги: 47,9% - беморларда 1-5 йилгача, 43,8% - 6 йилдан 10 йилгача ва 8,2% беморларда – 10 йилдан ортиқ эканлиги қайд этилди. СП билан оғриган беморларнинг 38,3%да касалликнинг 2чи босқичи ҳамда унинг ўрта оғирлик даражаси аниқланган бўлса, 61,7%да – 1чи босқичи, ҳамда нисбий оғирлик даражаси аниқланди.

Халқаро стандартларга кўра (DEQAS) назорат ва асосий гуруҳларда витамин Днинг турғун шакли D-25(OH)D (кальцидиол) қон зардобидаги миқдорига кўра 4 гуруҳга ажратилган: меъёрий миқдор – 30 нг/мл (75 нмоль/л)дан юқори, етишмовчилик – 20-30 нг/мл (50-75 нмоль/л), танқислик – 10-20 нг/мл (50 нмоль/л)дан кам бўлса, ўта (яққол) танқислик – 10 нг/мл (25 нмоль/л)дан кам бўлса.

3чи босқичида СП бўлган беморларни 3 ой давомида МОБнинг ташқи секретор функцияси етишмовчилигини олдини олиш мақсадида касалликнинг хуруж даври ўтгандан сўнг 2 гуруҳга бўлинди. Уларнинг 1чи гуруҳидаги 25 нафар беморларга анъанавий тавсиялар асосида назоратда кўриклар ўтказилди, 2 чи гуруҳидаги 20 та беморга эса амбулатор шароитда минимикросферали капсуляр панкреатин препаратини 3 ой давомида терапевтик дозаларда қабул қилиш буюрилди ва даво тугагач қайта текширувлар ўтказилган.


Барча беморларда антропометрик ўлчовлар, МОБ, ультратовуш текширув (МОБ шакли, унинг ўзгаришлари, паренхимаси ҳолати, тузилиши, эхозичлиги, шиш ҳолатлари, яллиғланиш инфилтрацияси, ўлчамлари зичлашиши, ҳамда безнинг чиқарув йўллари ҳолати) «Sonoscor-30» (Япония). апарати ёрдамида ўтказилди. Жигар, ўт пуфаги билан бир қаторда талоқ, портал тизим ва мезентерал томирлар ҳолати баҳоланган. Қўшимча касалликларни аниқлаш мақсадида фиброэзофагогастроуденоскопия «EG-201FP FUJINON» (Япония) апарати ёрдамида амалга оширилди. Ультратовуш денситометр ёрдамида тўпиқ суяги тўқимасининг зичлиги SONOST-3000 OsteoSys (Жанубий Корея) аниқланди. Қоннинг умумий таҳлили MINDRAY 5000 (Хитой) гематологик анализаторида, биокимёвий текширувлар витамин Днинг турғун шакли D-25(OH)D (кальцидиол) миқдори иммунофермент усулида “ELIZA” апаратида махсус биотестлардан фойдаланиб аниқланган. МОБ экзокрин функциясини аниқлашда копрологик текширув натижаларига (стеаторея, креаторея, амилорея, дисбактериоз ва кандидалар бўлиши, кальций, магний, натрий, калий, темир ўзлаштирилишини бузилиши, ёғда ва сувда эрувчи витаминлар сўрилишини сусайиши алоҳида эътибор қаратилди. Олинган натижаларга 11th Gen Intel(R) Core(TM) i5-11300H компьютерида махсус стандарт Microsoft Office Excel-2022 дастурида статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Сурункали панкреатит кечишида витамин Д миқдорини ўзгариши**» деб номланган 3чи бобида витамин Д миқдорига кўра СПни клиник кечиши таҳлил қилинган. Тошкент аҳолиси умумий популяциясида қон зардобида витамин 25(OH)D миқдори ўртача $18,57 \pm 0,93$ нг/млни ташкил этди. Аммо уларнинг кўрсаткичлари орасида юқори даражада вариабиллик кузатилди ва шунинг учун биз барча текширувга олинганларни витамин Д билан таъминланганига кўра ажратдик. Ўтказилган таҳлил натижасида атиги 13,9% аҳолида витамин Д нинг меъёрий (30 нг/млдан юқори) кўрсаткичлари аниқланди. 21,5% аҳолида етишмовчилик (20-30 нг/мл) аниқланган бўлса, 55,6% аҳолида танқислик (10-20 нг/мл), кескин танқислик (10 нг/млдан кам) эса 9% аҳолида учради. Демак, Тошкент шаҳри аҳолисининг

ярмидан кўпида 25(OH)D танқислиги аниқланди. Умумий популяцияда витамин 25(OH)D миқдорини жинс бўйича таҳлили эркакларда у ўртача $16,97 \pm 1,58$ нг/мл ташкил этган бўлса, аёлларда – $18,95 \pm 1,13$ нг/млга тенг бўлди, яъни эркакларда биров пастроқ эканлиги қайд этилди.

Тошкент шаҳри аҳолиси орасида витамин 25(OH)D миқдорини ўзгаришини ёш бўйича таҳлили боғча ёшгача бўлган болаларнинг қон зардобида витамин 25(OH)D миқдори ўртача $32,42 \pm 6,59$ нг/млни ташкил қилди. Бу, бизнинг фикримизча, витаминни она сути билан тушиши ҳисобига бўлиши мумкин, чунки оналар бу даврда поливитаминлар ва полимикрэлементлар қабул қилиб туришади. Бунинг исботи бўлиб уни бу гуруҳдаги 33,3% болаларда витаминнинг меъерий миқдори ва 66,7% ларда эса етишмовчилик кузатилгани ҳисобланади. Боғча давридаги болаларнинг қон зардобида витамин 25(OH)D миқдори ўртача $28,42 \pm 4,75$ нг/млни ташкил қилди. Бу гуруҳдаги 40% болаларда витаминнинг миқдори меъерий кўрсаткичлар орасида бўлди, яна 40% болаларда етишмовчилик кузатилди ва 20%ида эса танқислик аниқланди. Кичик мактаб ёшдаги болалар гуруҳида қон зардобида витамин 25(OH)D миқдорини статистик ишонарли камайишини кузатдик. Унинг миқдори $17,55 \pm 3,91$ нг/млни ташкил этиб, бу гуруҳдаги 25% болаларда витамин 25(OH)D миқдори меъерий кўрсаткичларда кузатилган бўлса, 12,5%да – етишмовчилик, 50%да – танқислик ва қолган 12,5%да эса – кучли танқислик аниқланди. Катта мактаб ёшдаги болаларнинг қон зардобида витамин 25(OH)D миқдори $23,94 \pm 3,16$ нг/млни ташкил қилди. Бу гуруҳ болаларнинг 2/3 қисмида етишмовчилик аниқланган бўлса, 1/3 қисмида – витаминнинг танқислиги қайд этилди. Навқирон ёшдаги инсонларнинг қон зардобида витамин 25(OH)D миқдори $20,28 \pm 3,37$ нг/млни ташкил қилди. Бу ёш гуруҳидаги инсонларнинг 20%да витаминнинг меъерий миқдори аниқланган бўлса, етишмовчилик – 20% аҳолида, танқислик – 50% текширилганларда ва 10%ида эса витамин 25(OH)Dнинг кучли танқислиги аниқланди. Етук давридаги инсонларнинг қон зардобида витамин 25(OH)D миқдори ўртача $14,85 \pm 1,37$ ($P < 0,01$) нг/млни ташкил қилди. Бу даврнинг атиги 2,9% инсонларида витаминнинг меъерий миқдори аниқланган бўлса, 11,8%да – етишмовчилик, 76,5% - танқислик ва 8,8%да эса – яққол танқислик кузатилди. Кекса ёшдаги инсонлар қон зардобида витамин 25(OH)D миқдорининг энг паст кўрсаткичи кузатилиб, унинг ўртача миқдори $18,32 \pm 2,68$ нг/млни ($P < 0,01$) ташкил қилди. Бу гуруҳнинг 14,3%да витаминнинг меъерий миқдори, 28,6%да – етишмовчилик, 42,8%да – танқислик, ва 14,3% да – яққол танқислик аниқланди. Иккинчи триместирдаги физиологик ҳомиладорликда бўлган аёлларнинг қон зардобини текширганимизда витамин 25(OH)D миқдори ўртача $24,14 \pm 3,17$ нг/мл ($P < 0,01$) ташкил этди. Бу гуруҳдаги 35% ҳомиладорлар қон зардобида бу витаминнинг меъерий миқдори аниқланган бўлса, 25%да – етишмовчилик, 20%да – танқислик ва 20%да – яққол танқислик кузатилди. Бундай ўзгаришлар қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин: яшаш турмуш тарзи, овқатланишнинг ўзига хослиги, аниқланмаган мальабсорбция синдроми ва бошқалар.

СП билан касалланган 94 беморларда олиб борилган текширувлар 25-ОН-D миқдори 22 беморда меъёрий кўрсаткичларда ($32,57 \pm 1,32$ нг/мл), 17 - етишмовчилик ($23,84 \pm 0,83$ нг/мл), 39 – танқислик ($15,55 \pm 0,61$ нг/мл) ва 16 - яққол танқислик ($7,00 \pm 0,75$ нг/мл) кузатилганлигини кўрсатди (2-расм). Қон зардобида 25-ОН-D миқдорини СПнинг этиологик омилига кўра ўзгаришини таҳлил қилиш билиар шаклида шартли соғломлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан пасайишга мойиллик ($20,72 \pm 1,07$ нг/мл) кузатилган бўлса, идиопатик ва аралаш шаклларида статистик ишонарли 1,63 ($P < 0,01$) ва 2,18 ($P < 0,001$) паст бўлди. Олинган натижаларга кўра СП билиар шаклида 19,4% беморларда 25-ОН-D меъёри, 25% - етишмовчилик, 44,4% - танқислик ва 11,2% - яққол танқислик аниқланган бўлса; идиопатик шаклида 75% беморларда - танқислик, 25% эса кучли танқислик; аралаш шаклида 50% беморларда танқислик ва 50% - яққол танқислик қайд этилди. Олинган натижалар энг кучли ўзгаришлар СПнинг аралаш шаклида кузатилишини тасдиқлади.




2-расм. Сурункали панкреатитли беморларнинг қон зардобида витамин 25-ОН-D ва кальций, ҳамда нажасда эластаза миқдори

СП бўлган беморларнинг қон зардобида кальций миқдори ҳам витамин 25-ОН-D миқдорига монанд ўзгариб борди: 25-ОН-D миқдори меъёрида бўлган беморларда унинг кўрсаткичида шартли соғлом гуруҳдагиларга нисбатан ортишга мойиллик кузатилган бўлса, 25-ОН-D етишмовчилиги кузатилган беморларда эса камайишга мойиллик, танқислик ва ўта танқислик кузатилган беморлар гуруҳларида эса статистик ишонарли 1,13 ($P < 0,05$) ва 1,31 ($P < 0,05$) мартаба камайиш қайд этилди.

Қон зардобида кальций миқдорини СПнинг этиологик омилига кўра ўзгаришини таҳлили билиар шаклида шартли соғломлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан пасайишга мойиллик кузатилган бўлса, идиопатик

ва аралаш шаклларида статистик ишонарли 1,19 ($P<0,05$) ва 1,24 ($P<0,05$) маротаба паст бўлди. (3-расм)



3-расм. Сурункали панкреатитли беморларнинг этиологик омилларига кўра қон зардобида витамин 25-ОН-D, кальций ҳамда нажасда эластаза миқдори

СП билан оғриган беморларда ультратовуш денситометрия натижалари 53,2% ва 19,1% беморларда остеопения ҳамда остеопороз мавжудлигини кўрсатди. Улардан витамин 25-ОН-D меъерий бўлганда 9,1% ва 9,1%, етишмовчилик бўлганда – 35,3 ва 23,5%, танқислик бўлганда – 25,6% ва 66,7%, ҳамда яққол танқислик кузатилган беморларнинг 25% ва 75% остеопения ва остеопороз кузатилди. Ультратовуш текширувлар натижаларини СПнинг этиологик омилига кўра таҳлили билиар шаклида 46,6% остеопения, 19,2% эса остеопороз, идиопатик шаклида бу кўрсаткичлар 25 ва 50%ни, аралаш шаклида эса барча беморларда остеопения кузатилди.

Қонда α -амилаза ферменти фаоллиги меъерий кўрсаткичларнинг юқори чегарасида бўлиб $121,17 \pm 5,39$ МЕ/лни ташкил қилди, нисбий соғлом гуруҳда бу кўрсаткич $54,33 \pm 3,84$ МЕ/лни атрофида бўлди. Беморларнинг қон зардобидаги витамин 25-ОН-D миқдори нисбатан кўрилганида унинг фаоллиги витамин Д меъерий миқдорда бўлган гуруҳда $118,36 \pm 9,82$ МЕ/л, етишмовчилик бўлган гуруҳда – $104,57 \pm 6,35$ МЕ/л, танқислик кузатилганларда – $125,44 \pm 9,45$ МЕ/л ва яққол танқислик аниқланганларда – $124,93 \pm 14,38$ МЕ/лни ташкил қилди. Олинган натижалар қон зардобидаги α -амилаза фаоллигини витамин 25-ОН-D миқдори бевосита боғлиқ эмаслигини кўрсатди. Нажас эластазасини таҳлили витамин Д кўрсаткичи меъериди бўлган СПли беморларда соғлом гуруҳ кўрсаткичларидан 1,22 ($P<0,05$) маротаба юқори бўлди, ваҳоланки етишмовчилик, танқислик ва яққол танқислик кузатилган гуруҳлардаги беморларда унинг фаоллиги мос равишда 1,25 ($P<0,05$); 1,45 ($P<0,01$) ва 1,79 ($P<0,001$) маротаба паст бўлди. Нажасдаги

эластаза миқдорини этиологик омил бўйича таҳлили энг кучли ўзгаришлар СПнинг аралаш шаклига хослигини кўрсатди (1,67 мартаба, $P < 0,01$).

СП билан ёндош касалликларни таҳлили витамин 25-ОН-D бевосита боғлиқ бўлган ёндош касалликларга гепатобилиар тизими касалликлари витамин 25-ОН-D меъёрида бўлганларнинг 13-18% учраган бўлса, витаминни танқислиги бўлганида 30-47%ни ташкил қилди. Шу билан бирга биз СПли беморларда 25-ОН-D миқдорига кўра касалликнинг клиник белгиларини таққослаганимизда боғлиқлик аниқланмади аммо ҳолсизлик, ич қотиш, мушакдаги оғриқлар ва асабийлашиш унинг танқислиги ва етишмовчилиги бўлган беморларда юқори бўлди.

Меъда ости беши УТ текширувида 25-ОН-D миқдорини камайиб бориши билан безнинг паренхима эхогенлигини диффуз ошиши, тасвирни сақланиши, эхосигналлар амплитудаси ва давомийлигини ўта ўзгарувчанлиги, МОБ тўқимаси кальцификацияланиши учраш сони ортиб борди (1-жадвал). Ўрта ва зич турдаги эхосигналлар, уларнинг ногомоген тақсимланиши, зич ва кистоз соҳаларни алмашиниши, эхосигналлар амплитудаси ҳамда давомийлигини ўта ўзгарувчанлиги витамин Д етишмовчилиги ва танқислигида бўлган беморларнинг 2/3 қисмида кузатилди. Яққол танқислик бўлган ҳолатларда эса 76,5-94% беморларда аниқланди. МОБ тўқимаси кальцификацияланиши ва конкрементларни аниқланиши 38-50,0% беморларда кузатилди.

1- жадвал

Сурункали панкреатитда 25-ОН-D миқдори ўзгариши билан кечишида меъда ости бешини ультратовуш текширувлари натижалари, (%).

Кўрсаткичлар	Шартли соғломлар гуруҳи, n=15	Сурункали панкреатитли беморларда 25-ОН-D миқдорига кўра гуруҳланиши, n=94			
		меъёр, n=22	етишмовчилик, n=17	танқислик, n=39	яққол танқислик, n=16
Паренхима эхогенлигини диффуз ошиши, тасвирни сақланиши	40,0%	72,7%	70,6%	71,8%	81,3%
«Тошлоқ кўприк» манзараси	0,0%	45,0%	100,0%	64,1%	62,5%
Ўрта ва зич турдаги эхосигналларни меъёрий негизда нотекис тақсимланиши	26,7%	54,0%	88,2%	74,4%	87,5%
Эхосигналларни ногомоген тақсимланиши, зич ва кистоз соҳаларни алмашиниши	-	45,5%	58,8%	61,5%	62,5%
Эхосигналлар амплитудаси ва давомийлигини ўта ўзгарувчанлиги	20,0%	54,5%	76,5%	77,0%	93,8%

Меъда ости безини катталашини	-	77,3%	88,3%	89,7%	81,3%
Меъда ости без тўқимаси кальцификацияланиши	-	31,8%	23,5%	48,7%	50,0%
Панкреатик йўлда конкрементларни аниқланиши	-	18,2%	5,9%	7,7%	37,5%
Кисталарни мавжудлиги	-	9,1%	0,0%	5,1%	12,5%
Меъда ости без йўлини кенгайиши (>2,5 мм)	-	0,0%	23,5%	7,7%	12,5%
Меъда ости без зичлигини ошиши	33,3%	45,5%	41,2%	49,0%	43,8%


Сурункали панкреатитли беморларнинг периферик қонида гемоглобин миқдори статистик ишонарли камайиб, бу ўзгаришларни қон зардобадаги витамин 25-ОН-D миқдorigа боғлиқлиги аниқланмади. Қоннинг биокимёвий текширувлари аминотрансферазалар фаоллигини, глюкоза миқдори ўзгармаганлигини кўрсатди.

Витамин 25-ОН-D етишмовчилик даражасига монанд меъда ости безининг ташқи секретор функциясини пасайиши мос келди. Бундай ўзгаришлар сўрилиш жараёнларини бузилиши, гепатоген ва аралаш стеаторея, ҳамда амилорея ҳамда креатореяга олиб келди. Копрологик текширувлар макро- ва микронутриентларни сўрилишини сусайишига, витаминлар, ҳамда макро- ҳамда микронутриентлар етишмовчилигига олиб келади. Уларнинг даражаси беморларнинг қон зардобада витамин 25-ОН-D миқдorigа боғлиқ бўлди.

Диссертациянинг «**Сурункали панкреатитни даволашда ферментотерапиянинг самарадорлиги**» деб номланган 4-чи бобида даво муолажаларини самарадорлиги натижалари келтирилган. Шифохонада даво олган беморлар 2 гуруҳга ажратилиб, 1чи – 55 бемор 3 ой давомида ферментотерапия қабул қилган (асосий гуруҳ), 2чи – 25 бемор ўз хохишига кўра ферментотерапия олмаган (қиёсий гуруҳ) самарадорлиги баҳоланди. Ферментотерапия минимикросферали капсуляр панкреатин (25000 ЕД) препарати билан ўтказилди. Клиник, биокимёвий ва копрологик текширувлар ферментотерапиядан олдин ва тугагандан сўнг амалга оширилди. Олинган натижалар асосий ва қиёсий гуруҳларда даводан олдин шикоятлар сони тахминан ўхшашлигини кўрсатди. Қиёсий гуруҳдаги беморларда 3 ойдан сўнг бўтқасимон ич кетиш ва ич қотиш белгилари 2,2 ва 4 маротаба, кўнгил айнаш, кўнгил озиш, қорин дам бўлиш белгилари 3,67; 2,78 ва 1,67 маротаба камайиб 24,0% 36,0% ва 60,0% беморларда сақланиб қолди. Агар овқат ҳазм бўлишини қийинлашиши, овқат егандан сўнг оғирлик ҳисси қиёсий гуруҳ беморларда камайишига мойиллик кузатилган бўлса улардан фаркли ўлароқ 60% ва 64% беморларда сақланиб қолди. Эпигастрал соҳасидаги оғриқлар 3,5 маротаба камайган бўлса, белбоғсимон оғриқлар бутунлай бартараф этилди.

Уч ой давомида ферментотерапия олган беморларда клиник белгиларнинг регрессияси яққолроқ намоён бўлди. Жумладан, бўтқасимон ич кетиш ва ич қотиш белгилари 7 ва 5,6 мартаба камайди, кўнгил айнаш, кўнгил озиш, қоринда дам бўлиш белгилари 16,85; 10 ва 6,33 мартаба, овқат ҳазм бўлишини кийинлашиши, овқат егандан сўнг оғирлик ҳисси 19,8 ва 6 мартаба, эпигастрал соҳасидаги оғриқлар 18,8 мартаба камайди, белбоғсимон оғриқлар бутунлай бартараф этилди. Демак, асосий гуруҳ беморларда клиник белгиларнинг кескин камайиши кузатилиб, қиёсий гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан анчагина самарали бўлди. Бу, бизнинг фикримизча, ферментлар қабул қилиш ҳисобига ҳазм жараёнларини меъёрида кечиши билан боғлиқ.

Асосий ва қиёсий гуруҳларда уч ойдан сўнг амилаза фаоллигини қон зардобидида аниқлаш унинг статистик ишонарли 1,56 ($P < 0,05$) ва 1,78 ($P < 0,01$) мартаба пасайганини кўрсатди, аммо нажасдаги эластаза фаоллиги асосий ва қиёсий гуруҳларда ўзгармасдан сақланиб қолди (4-расм). Олинган натижалар ферментотерапияни нажасдаги эластаза миқдорига таъсир этмаслигидан далолат беради. Иккала гуруҳлардаги беморларнинг қон зардобидида кальций миқдори 3 ойдан сўнг ўзгармади ва меъёрий кўрсаткичларга нисбатан бир оз пастлигича сақланиб қолди.



4-расм. Асосий ва қиёсий гуруҳлардаги беморларнинг қон зардобидида амилаза, кальций ва витамин 25-ОН-D миқдори

Қиёсий гуруҳдаги беморларнинг қон зардобидида витамин 25-ОН-D миқдори уч ойдан сўнг камайишига мойиллик, меъёрий кўрсаткичлар кузатилган беморларнинг сони 4 мартаба камайган бўлса, етишмовчилик, танқислик ва ўта танқислик ортди. Бу, бизнинг фикримизча, беморларда остеопения ва остеопороз ривожланишига олиб келади. Ферментотерапия олган асосий гуруҳимизда уч ойдан сўнг қон зардобидида витамин 25-ОН-D миқдори даволашдан олдинги кўрсаткичларига нисбатан ортди ва меъёрий кўрсаткичларга етди.

Витамин 25-ОН-D миқдори меъёрида ва етишмовчилик бўлган беморларнинг сони ҳам ошди, танқислик ва ўта танқислик умуман кузатилмади. Бу эса беморлар аҳолини яхшиланишига, остеопения ва остеопороз асоратлигини бартараф этилишига ва ҳаёт сифати кўрсаткичини ижобий тамонга ўзгаришига олиб келди.

